



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ниёзов Зулфидин Ражабович

ИИБ Академияси магистратураси тингловчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10654177>

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади демократик ўзгаришлар қилиш, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш учун мустақкам моддий негизни яратишдир. Ушбу ислохотларнинг негизида, энг аввало, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари ётади. Конституциямизда белгилаб берилган нормалар асосида мамлакатимизда инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати энг олий қадрият даражасига кўтарилди. Бугунги кунга келиб, ушбу олий қадрият нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ нормалари билан кенг ҳимоя қилинади. Зеро, “халқаро ҳуқуқ нормаларининг ички қонунлардан устунлиги республикада қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий қоидаларидан бири”дир[1].

Яқин ўтмишда ички ишлар органлари фаолиятини назорат қилиш фақат махсус бўлинмалар ва хизматлар томонидан амалга оширилган. Бироқ жамият ва давлат ўртасидаги мулоқот ривожланиб боргани сари ички ишлар органлари фаолиятининг қонунийлигини назорат қилишнинг идоравий, прокурорлик, суд каби ўзига хос шакллари билан бир қаторда жамоатчилик назорати ҳам қўшилди. Жумладан, жамиятнинг фикри ва танқиди, қоида тариқасида, оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилиб келмоқда[2].

Ички ишлар органлари ўз фаолиятида фан ютуқларидан, замонавий технологиялардан ва ахборот тизимларидан фойдаланиши, жисмоний ва юридик шахсларга ушбу органларнинг ваколатларига тааллуқли электрон давлат хизматлари кўрсатилиши, шунингдек ҳужжатларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг, давлат хизматлари кўрсатиш жараёни тўғрисидаги хабарномаларнинг электрон шакллари қўлланилиши қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади[3]. Бу борада **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги**






Фармонининг ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни самарали бажаришда тўсиқ бўлаётган тўртини муаммоси яъни “жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари юзаки кўриб чиқилмоқда, уларда кўтарилаётган масалалар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинмаяпти, мурожаатларга расмийлик учунгина жавоб берилаётгани фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқараётгани ҳақида эди.

Ушбу муаммонинг ечими сифатида Ички ишлар вазирлигининг Ситуацион-таҳлилий марказининг ташкил этилиши юқоридаги фикрларнинг муаммонинг ечими тасдиғи бўлди. Қайд этилишича, бу мажмуа ички ишлар органларининг куч ва воситаларини ахборот технологиялари асосида бошқаришга ихтисослашган. Замонавий бино қурилиб, 554 терабайт хотирага эга 18 та сервер, катта ҳажмли кузатув экрани, компьютерлар билан жиҳозланган. Марказда 102 тизими, видеокузатув камералари, интернет ва бошқа манбалардан келиб тушаётган маълумотлар автоматлашган тарзда йиғилади ва қайта ишланади. Қоидабузарлик автотранспортнинг давлат рақами ёки шахснинг юз қиёфаси орқали тезкор аниқланиб, қидирув ташкил этилади. Бу тизим сунъий интеллект ёрдамида ишлайди ва инсон омили минимал даражада. Булар орқали марказ бутун мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади[4].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарорининг 1-иловасига мувофиқ, “Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисида”ги намунавий низом тасдиқланган бўлиб, бунда ушбу низом билан ички ишлар органларига келиб тушган мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва кўриб чиқиш учун юбориш, шунингдек мурожаатларнинг ҳисобини юритиш ва кўриб чиқилишини назорат қилиш мақсадида давлат органида, ташкилотида белгиланган умумий штатдаги ходимлар сони доирасида мурожаатлар билан ишлаш бўйича алоҳида бўлинма ташкил этилиши белгиланган.

Мурожаатлар билан ишлаш бўлинмаси мурожаатлар ҳажмидан, ходимлар сони ва иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда алоҳида бўлим, бўлинма ёки гуруҳ шаклида ташкил этилиши мумкин.





Мурожаатлар билан ишлаш фаолияти мурожаатларнинг кўриб чиқилишини назорат қилиш масалаларида бевосита давлат органи, ташкилоти раҳбарига бўйсунди.

Мурожаатлар билан ишлаш бўйича бўлим:

✓ таркибий бошқарма (бўлим, бўлинма) томонидан мурожаатлар кўриб чиқилишини доимий назорат қилади ва унинг мониторингини олиб боради, уларнинг ўз вақтида ва зарур тарзда кўриб чиқилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

✓ мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби таркибий бошқарма (бўлим, бўлинма) томонидан бузилиши тўғрисида давлат органи, ташкилоти раҳбарини дарҳол хабардор қилади;


✓ мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда давлат органи, ташкилоти раҳбарига мурожаатлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурият бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, мурожаатлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган давлат органи, ташкилоти ходимларига нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

Ушбу низом билан мурожаатлар билан ишлаш бўйича фаолият олиб борувчи ходимларига қуйидаги қўшимча талаблар қўйилади:

- ❖ ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлиш;
- ❖ камида уч йиллик иш стажи бўлиши;
- ❖ уларнинг ходими бўлган давлат органи, ташкилоти бошқарма (бўлим, бўлинма)нинг фаолияти, функцияларига оид мажбуриятлари тўғрисида хабардор бўлиш;
- ❖ юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлиш;
- ❖ киришимлилик;
- ❖ замонавий ахборот-коммуникация технологияларни қўллашни билиш.

Ҳозирда ички ишлар органлари ва бошқа органларда ҳам мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини тушунмайдиган ходимларни тайинланиши қуйидаги салбий оқибатларга олиб келиши мумкин:

биринчидан, ушбу фаолият ходимларини фаолиятни тушунмаслиги ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритишни ташкил қилиш ва амалга оширишда бошқарувда муаммолар юзага келади;






иккинчидан, Фуқароларни мурожаатларини қабул қилиш ва ижросини ҳамда назоратни ташкил қилишни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва иш юритишни ташкил қилиш ҳамда махсус шароитларда ички ишлар органларининг куч ва воситаларини бошқариш бўйича назарий билимларни етарли эмаслиги **бошқарувнинг таҳлил қилиш** функциясини бузилишига олиб келади;

учинчидан, бундан кейин жойлардаги раҳбарлар фаолиятига биринчи навбатда улар бошқараётган ҳудуддаги аҳолидан тушаётган мурожаатлар сони, уларнинг халқ ичидаги юриши, мавжуд муаммоларнинг амалий ечимига қараб баҳо берилса [5] ушбу раҳбарнинг билими соҳага тўғри келмаса ҳам ўзаро тушунмаслик оқибатида жиддий муаммолар юзага келиши мумкин. [6]

Юқоридаги салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 1 январдаги **“Ички ишлар органларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”**ги 2-сон буйруғига биноан. мурожаатларни қабул қилиш, рўйхатга олиш, ижрога қаратиш, ҳисобини юритиш ва кўриб чиқиши тартиби белгиланиб ушбу соҳада самарали ишларни амалга ошириш “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” [7], “жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни ташкил этишнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тартибини ўрнатиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишга юзаки ва расмийлик билан ёндашувларга чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ваколат доирасида барча воситаларни ишга солиш” [8] деган ғоя ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – 644 б.
2. Райгородский В.Л., Капранов А.В. Обращения граждан как средстваобщественного контроляза деятельностью органов внутренних дел // Философия права. – 2012. – 71-77 с
3. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги –Ички ишлар органлари тўғрисида||ги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/3027843>.
4. Азизов Э.У. Ички ишлар органларининг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш фаолиятини бошқаришда





замонавий ёндашувлар //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 89-93.

5. Исмаилов, Д.С.Мухамадалиев, Э.У. Азизов; масъул, Э.У. Азизов; масъул муҳаррир Б.А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 561 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Бугунги кун раҳбари. – Т., 2017. – Б. 27–29.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // <http://www.ach.gov.uz/uz/lists/view/54>

8. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги –Ички ишлар органлари тўғрисида||ги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/3027843>.

